

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

“Ўзбек ва жаҳон филологияси” кафедраси

Гулбар Ризоқуловна Саноеванинг

**“Чет тилда касбий мулоқотни шакллантиришнинг замонавий
технологиялари” мавзусидаги**

РЕФЕРАТИ

Тошкент – 2011

Мавзу: Чет тилда касбий мулоқотни шакллантиришнинг замонавий технологиялари

Режа:

1. Касб-хунар коллежи ўқувчиларига чет тилда касбий мулоқотни ўргатиш истикболлари
2. Чет тилда касбий мулоқотни шакллантиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш
3. Чет тилда касбий мулоқотни ўргатиш орқали ўқувчиларни хусусий тадбиркорликка йўллаш омиллари

Кириш

Жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси ХХІ аср бўсағасида турар экан, ортида қолган йиллар қадрини баҳолашга ва келажак ҳаётининг турли жабҳаларини белгилаб олишга уриниши табиийдир. Жумладан, таълим соҳасида фаолият кўрсатаётганлар ҳам бундан мустасно эмас.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан - кунга кучайиб бормоқда, бунинг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан таълим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади.

Шунинг учун касб-хунар коллежларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш технологиялари - интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Ушбу жараёнларга оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчиларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

1. Касб-хунар коллежи ўқувчиларига чет тилда касбий мулоқотни ўргатиш истиқболлари

Мустақил Ўзбекистон Республикасида хорижий тилга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Хорижий мамлакатларда таҳсил олиш имконияти пайдо бўлган экан, ёшларимиз ўзларининг келгуси фаолиятларини она тилларида қандай олиб борсалар, хорижий тилларда ҳам шу даражада иш юритиш имкониятларига эга бўлишлари лозим.

Умумий ўрта таълим мактабларини битирган ўқувчилар ҳозирги кунда замонавий жиҳозлар билан таъминланган касб-хунар коллежларида ўзлари кизиққан мутахассисликлар асосида таҳсил олмоқдалар. Касб-хунар коллежларида мавжуд барча мутахассислик йўналишлари бўйича бир қатор чет тиллари ўргатилади. Бундан кўзланган асосий мақсадлардан бири ўқувчиларни танлаган мутахассисликлари асосида чет тилда касбий фаолиятларини мустақил равишда ташкил этишга қаратилганлигидир.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон дунё бозорига чиқди, хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан бевосита ҳамкорлик қилмоқда. Шу муносабат билан касб-хунар коллежларида ўқувчиларга чет тилда касбий мулоқотни ўргатиш ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири сифатида қаралмоқда. Ҳар бир мутахассислик йўналишлари бўйича модернизация қилинган Давлат таълими стандартлари асосида тил ўқитиш жараёни кенгаймоқда. Касб-хунар коллежларда мутахассисликга оид инглиз тилига, инглиз тилида иш юритишга, эпистоляр жанрга, ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш, ёзув малакаларини ўстиришга катта аҳамият берилмоқда.

Ўз навбатида касб-хунар коллежига мактабларда бошқа хорижий тил ўрганган, аммо коллеждаги вазиятга кўра инглиз тили ўқитилиши лозим бўлган ўқувчиларга илк бошланғич босқичдан бу тилни ўргатиш ишлари ташкил этилган.

Касб-хунар коллежларида ўқувчиларга чет тилда касбий мулоқотни ўргатишда босқичма-босқич ўқитиш жорий этилади. Бинобарин, ўқувчи

кириш тестларини топширганидан сўнг инглиз тилидаги билими даражасидаги босқичдан ўз таҳсилини бошлайди. Бунда “илк”, “бошланғич”, “ўрта” ва “юқори ” босқичлар назарда тутилади.

Касб-хунар коллежи инглиз тили фани Давлат таълими стандартининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўқувчиларга чет тилда касбий мулоқотни ўргатишда қуйидаги ўқитиш тамойиллари муҳим ҳисобланади:

- мутахассисликка оид муомала амалиётига таяниш (нутқ фаолиятининг қайси бир тури ўргатилмасин унинг натижасида икки ёки ундан ортиқ ўқувчи орасида фикр алмашув содир бўлиши зарурлиги);
- нутқ фаолиятининг барча тури таълимнинг ҳар бир босқичида сингдириб борилиши;
- мустақил бажариладиган машқларга эътиборни кучайтириш;
- дарс жараёнида ўқитувчининг роли юқори босқичга ўтилган сари камайиб, ўқувчининг фаолияти ошиб бориши;
- мутахассисликка оид сўзларни талаффуз қилиш, нутқ кўникма ва малакалари ҳамда тил материали ўзлаштириб борилгани сари дарсда она тилига кам мурожаат қилиш;
- ўқувчининг инглиз тилида малакаси ошгани сари кундалик инглиз тилига оид манба ўрнига кўпроқ коллежнинг мутахассислигидаги манбага таяниш.

Касб-хунар коллежларида ўқувчиларга чет тилда касбий мулоқотни ўргатишда амалий машғулотларга катта эътибор қаратиш лозим. Чунки, ўқувчиларнинг инглиз тилида эркин мулоқотга киришишлари учун амалий машғулотларнинг ўрни беқиёс ҳисобланади. Айниқса, мутахассислик фанларини ўргатиш босқичлари амалий машғулотлардан иборат бўлганлиги учун чет тилда касбий мулоқотни шакллантиришда асосан шу жараёндан унумли фойдаланиш кеарк. Шундан келиб чиққан ҳолда амалий машғулотларни қуйидаги шаклларда олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Ўқитувчи назорати остидаги амалий машғулот шакллари: “ўқитувчи-ўқувчи”, “ўқувчи-ўқувчи”, “аудио, видео, компьютердаги матн-ўқувчи” асосида;

2. Дарс жадвалидан ташқари мустақил бажарилиши учун режалаштирилган амалий машғулот шакллари: “аудио, видео, компьютердаги матн-ўқувчи”, “ўқувчи-белгилар тизими системаси”, “ўқувчи-табиат” асосида;

3. Навбатдаги тест-синовларини мустақил бажаришга оид синфдаги амалий машғулот шакллари: “ўқувчи-ўқувчи”, “аудио, видео, компьютердаги матн-ўқувчи” асосида.

Касб-хунар коллежларида ўқувчиларга чет тилда касбий мулоқотни ўргатишда ўқувчиларнинг нутқ фаолиятларини ривожлантиришдаги асосий объектлар: матнлар, тил материали, нутқ малакалари (тинглаб тушуниш (**listening comprehension-LC**), ўқиб тушуниш (**reading comprehension-RC**), фикрни ёзувда ифода этиш (**essay writing-EW**), суҳбатлашиш (**communicational English-CE**)).

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, фан-техника ва технологияларнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш жараёнининг такомиллашуви муносабати билан халқ хўжалигининг турли соҳалари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашда чет тилда касбий мулоқотни шакллантириш зарур ҳисобланади. Чунки, бугунги кунга келиб хорижий тил ахборот олиш, уни айрибошлаш, илм-фан ютуқларини ўзлаштириш, халқаро ютуқлардан баҳраманд бўлиш воситасига айланмоқда.

2. Чет тилда касбий мулоқотни шакллантиришда ахборот технологияларидан фойдаланиш

Тил – инсон учун берилган буюк неъмат, у миллий маданиятнинг ҳам муҳим таркибий қисмидир. Шу боис тил нафақат мулоқот воситаси, балки моддий ва маънавий бойликларни яратишнинг қудратли омили, инсон шахсини фазлу камолга етказувчи, унинг хулқи, одоби, инсоний хислат ва

фазилатлари уйғунлигини таъминловчи ибрат ва тарбия манбаи ҳамдир. Зеро, у халққа куч-қувват, руҳий баркамоллик бағишлайди. У маънавий ҳаётнинг асоси, Президентимиз И.А.Каримов “Тил маънавиятнинг белгиси сифатида кишиларни бирлаштиради” деб бежиз таъкидламаганлар.

Шу боис, ўқувчиларга инглиз тилини ўргатиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Касб-хунар коллежларида инглиз тили дарсларини ташкил этишда замонавий педагогик технологиялар олдиндан лойиҳаланади ва ҳар доим якуний натижа ижобий тарзда таъсир кўрсатиши билан кафолатланади. Бу натижаларга асосланиб, барча замонавий педагогик технология қонуниятларига илғор методик тажрибалар бўйсундирилиши керак. Шу тариқа инглиз тили дарсларида ҳам замонавий педагогик технологиялардан, ахборот-коммуникацион технорлогиялардан, масофавий ўқитиш тизимидан ҳам фойдаланиш лозим.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларига инглиз тилини ўргатишда ахборот технологияларидан фойдаланиш ўқувчилардаги билим ва малакаларнинг мустаҳкамланишига олиб келади. Ахборот технологиясининг ривожланиши бугунги кунда жаҳон талабига айланиб бормоқда. Инглиз тили дарсларини олиб боришда тайёрланаётган дарс ишланмасининг дастурий таъминотини таъминлаш ва уни ишлаб чиқиш ўқитувчидан ахборот технологияси тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишни талаб қилади. Бу жараёнда ўқувчининг ўқув фаолиятига таъсир этишнинг икки қирраси мавжуд:

- 1) ўқитувчи компьютерда қўллаётган услуб ва усуллар;
- 2) ўқитувчининг фақат педагогик маҳоратига боғлиқ бўлган таъсир этиш усулидан фойдаланишдир.

Инглиз тили тил аспектлари ва тил материалларини компьютер техникасидаги кўпгина дастурлардан фойдаланган ҳолда ўргатишимиз лозим. Масалан, Мультимедиа, Репититор, Flesh, Microsoft Power Point, Microsoft Word каби дастур ва имкониятлардан фойдаланиш мумкин. Бу дастурларнинг барчасидан инглиз тили материаллари бўйича ўқувчиларда кўникма ҳамда малакалар ҳосил қилишда унумли фойдаланиш мумкин.

Компьютердаги кўпгина дастурлардан инглиз тилини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Компьютер техникасидаги дастурлардан маълум кўзланган мақсадларни амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Дарсликларда бериладиган машқларни дастурлар асосида амалга оширилади. Масалан, Microsoft Power Point дастуридан фойдаланиш орқали инглиз тили дарсларини ташкил этиш дарснинг самарадорлигини оширади. Microsoft Power Point дастури ўқитувчи томонидан тайёрланади. Бунда иш кетма-кетлиги қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Microsoft Power Point дастури асосида тақдимот тайёрлаш бўйича

тавсия

1. Microsoft Power Pointда тақдимотга тайёрлаш жараёни қуйидагилардан иборат:

- тақдимот турини танлаш;
- тақдимотни умумий расмийлаштиришни танлаш;
- слайдларнинг мазмунли томонларини танлаш;
- янги слайдларни қўшиш;
- слайдларни белгилашни танлаш;
- зарур бўлган слайдларни расмийлаштиришни ўзгартириш;
- слайдларни намойиш этиш вақтида турли овозли анимацияларни яратиш.

2. Слайдларни техник намойиш этиш қуйидаги тавсифларга жавоб бериши керак:

- слайдлар миқдори (8-12);
- слайдларнинг мазмунли кўрсаткичлари:
 - 1) биринчи слайд: лойиҳа номи, муаллиф фамилияси, курс, гуруҳ, яратилган кунидан иборат;
 - 2) охирги слайд ахборот манбасига бағишланган;
 - 3) бошқа слайдлар лойиҳа мазмунини ихтиёрий шаклда акс эттиради;
- слайдлар ўз-ўзидан ишлаш тартибида намойиш этирилади.

3. Тақдимотни расмийлаштириш қоидаси:

- агар матн оғзаки бўлса, қуйидагича бўлиши зарур: юқори ахборотли; боғловчили; аниқ ва қисқа; мантиқан тушунарли ва аниқ бўлиши;
- овоз тиниқ бўлиши керак;
- расмлар аниқ ва етарлича каттароқ бўлиши зарур. Расмларнинг ўлчамини катта қилишга уринмаслик лозим;
- видеотасмалар тақдимот ойнасининг уч қисмини эгаллаши зарур.
- расмлар намойишли бўлиши керак. Безаклар чалғитиши мумкин;
- жадвалларда ажратилувчи маълумотлар аниқ кўрсатилиши, жадвалларнинг номланиши тагига катта ёзувларда берилиши зарур. Жадвалларни ҳаддан зиёд маълумотлар билан тўлдириш керак эмас! Тақдимот бошлашдан аввал аудиторияда ўтирганларга жадвал ва расм нусхаларидан тарқатиш зарур;
- чизмалар бир бўлимдан бошқа бўлимга аниқ ва мантиқий равишда ўтишига мослаштирилиши керак. Ўтиш чизиқлари экранда яхши кўриниши лозим.

Microsoft Power Point дастурининг барча имкониятларидан дарсларда инглиз тилини ўргатишда самарали фойдаланиш ва мавжуд педагогик ҳамда методик тажрибаларни ига солиш керак. Биз дастурдан фойдаланган ҳолда ўқувчилар учун турли хил топшириқлар тузиши ҳамда уларни тақдимот жараёнида ўқувчиларга бажартириши мумкин. Инглиз тили дарсларида топшириқларни тил аспектлари (фонетика, грамматика, лексика) ва нутқ фаолияти турлари (тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув, таржима) бўйича ўтилган мавзулар асосида машқлар бажартириш ҳамда улардаги билим ва кўникмаларни, малакаларни мустаҳкамлаш мумкин. Дастурда фан ўқитувчиси ўзи тузган топшириқларни компьютерга киритиб, инглиз тили фани бўйича ўқувчилар билимини компьютер ёрдамида холис, сифатли баҳолай олади.

3. Чет тилда касбий мулоқотни ўргатиш орқали ўқувчиларни хусусий тадбиркорликка йўллаш омиллари

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон дунё бозорига чиқди, хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан бевосита ҳамкорлик қилмоқда. Шу муносабат билан касб-хунар коллежларида ўқувчиларга чет тилда касбий мулоқотни ўргатиш ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири сифатида қаралмоқда. Ҳар бир мутахассислик йўналишлари бўйича модернизация қилинган Давлат таълими стандартлари асосида тил ўқитиш жараёни кенгаймоқда. Касб-хунар коллежларда мутахассисликга оид инглиз тилига, инглиз тилида иш юритишга, эпистоляр жанрга, ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш, ёзув малакаларини ўстиришга катта аҳамият берилмоқда.

Ўз навбатида касб-хунар коллежига мактабларда бошқа хорижий тил ўрганган, аммо коллеждаги вазиятга кўра инглиз тили ўқитилиши лозим бўлган ўқувчиларга илк бошланғич босқичдан бу тилни ўргатиш ишлари ташкил этилган.

Касб-хунар коллежларида ўқувчиларга чет тилда касбий мулоқотни ўргатишда босқичма-босқич ўқитиш жорий этилади. Бинобарин, ўқувчи кириш тестларини топширганидан сўнг инглиз тилидаги билими даражасидаги босқичдан ўз таҳсилини бошлайди. Бунда “илк”, “бошланғич”, “ўрта” ва “юқори ” босқичлар назарда тутилади.

Касб-хунар коллежи инглиз тили фани Давлат таълими стандартининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўқувчиларга чет тилда касбий мулоқотни ўргатишда қуйидаги ўқитиш тамойиллари муҳим ҳисобланади:

- мутахассисликка оид муомала амалиётига таяниш (нутқ фаолиятининг қайси бир тури ўргатилмасин унинг натижасида икки ёки ундан ортиқ ўқувчи орасида фикр алмашув содир бўлиши зарурлиги);

- нутқ фаолиятининг барча тури таълимнинг ҳар бир босқичида сингдириб борилиши;

- мустақил бажариладиган машқларга эътиборни кучайтириш;

- дарс жараёнида ўқитувчининг роли юқори босқичга ўтилган сари камайиб, ўқувчининг фаолияти ошиб бориши;

- мутахассисликка оид сўзларни талаффуз қилиш, нутқ кўникма ва малакалари ҳамда тил материали ўзлаштириб борилгани сари дарсда она тилига кам мурожаат қилиш;

- ўқувчининг инглиз тилида малакаси ошгани сари кундалик инглиз тилига оид манба ўрнига кўпроқ коллежнинг мутахассислигидаги манбага таяниш.

Касб-хунар коллежларида ўқувчиларга чет тилда касбий мулоқотни ўргатишда амалий машғулотларга катта эътибор қаратиш лозим. Чунки, ўқувчиларнинг инглиз тилида эркин мулоқотга киришишлари учун амалий машғулотларнинг ўрни бекиёс ҳисобланади. Айниқса, мутахассислик фанларини ўргатиш босқичлари амалий машғулотлардан иборат бўлганлиги учун чет тилда касбий мулоқотни шакллантиришда асосан шу жараёндан унумли фойдаланиш кеарк. Шундан келиб чиққан ҳолда амалий машғулотларни қуйидаги шаклларда олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Ўқитувчи назорати остидаги амалий машғулот шакллари:

- ўқитувчи-ўқувчи;
- ўқувчи-ўқувчи;
- аудио, видео, компьютердаги матн-ўқувчи асосида.

2. Дарс жадвалидан ташқари мустақил бажарилиши учун режалаштирилган амалий машғулот шакллари:

- аудио, видео, компьютердаги матн-ўқувчи;
- ўқувчи-белгилар тизими системаси;
- ўқувчи-табиат асосида.

3. Навбатдаги тест-синовларини мустақил бажаришга оид синфдаги амалий машғулот шакллари:

- ўқувчи-ўқувчи;
- аудио, видео, компьютердаги матн-ўқувчи асосида.

Касб-хунар коллежларида ўқувчиларга чет тилда касбий мулоқотни ўргатишда ўқувчиларнинг нутқ фаолиятларини ривожлантиришдаги асосий объектлар:

- матнлар;
- тил материали;
- нутқ малакалари (тинглаб тушуниш (**listening comprehension-LC**);
- ўқиб тушуниш (**reading comprehension-RC**);
- фикрни ёзувда ифода этиш (**essay writing-EW**), суҳбатлашиш (**communicational English-CE**)).

Касб-хунар коллежи ўқувчиларига инглиз тилини ўргатишдан кўзда тутилган асосий мақсад – ўқувчиларни касбий тайёргарлиги билан бир қаторда уларнинг хусусий тадбиркорлик фаолиятига киришишлари, касбий фаолиятлари давомида мустақил равишда инглиз тилида эркин сўзлаша олишларидан иборатдир.

Бугунги кунда, чет тилда касбий мулоқотни амалга оширишда ўқувчиларни хусусий тадбиркорликка йўллашда қуйидаги омиллар муҳим ҳисобланади:

1. Ўқувчиларга хусусий тадбиркорликка оид тушунчаларни чет тилди ўргатиш орқали зарур бўлган янги ахборотлар билан таъминлаш;
2. Чет тилда хусусий тадбиркорликка оид талаб ва таклифнинг ортиши;
3. Чет тилда касбий мулоқотни ташкил қилишда ўқувчилар ўртасидаги рақобатни вужудга келиши;
4. Чет тилда мулкчилик турлари, маркетинг ва менежмент фаолиятларини олиб бориш;
5. Бозор иқтисодиёти шароитида янги ишлаб чиқариш ва ахборот технологиялари, компьютер техникаси, янги техника ва жиҳозларнинг қўлланилиши соҳаларига оид маълумотларни инглиз тилида олиб боришларига оид кўникмаларни шакллантириш;

6. Ўқувчиларнинг қизиқиши, қобилияти, касбий мойилликларига кўра, касб-хунар турларини танлашга асос бўладиган сифатларни, тадбиркорлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, фан-техника ва технологияларнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш жараёнининг такомиллашуви муносабати билан халқ хўжалигининг турли соҳалари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларни хусусий тадбиркорлик фаолиятига йўллашда чет тилда касбий мулоқотни ўргатиш зарур ҳисобланади. Чунки, бугунги кунга келиб хорижий тил ахборот олиш, уни айрибошлаш, илм-фан ютуқларини ўзлаштириш, халқаро ютуқлардан баҳраманд бўлиш воситасига айланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. - Т.: Шарқ, 1998.-140 б.
2. И.А.Каримов Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.-80 б.
3. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун ДТС. - Т.: Шарқ, 1998.-140 б.
4. Ш.Э. Қурбонов ва б. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1998.-140 б.
5. Ж.Ж.Жалолов. Инглиз тили дарслиги: 9-синф. – Т.: Ўқитувчи, 1997.-224 б.
6. Г.А.Дудкина, М.А.Павлова, З.Г.Рей, А.Т.Хвальнова. English for Businessmen. – Туркистан: Бишкек, 1993.-541 с.